

**O'ZTRANSGAZ**

JOINT - STOCK COMPANY

AKSIYADORLIK JAMIYATI

BUYRUQ«14» март 2018 yil.

№ 119

Toshkent sh.

“Ёшларга оид дастурни амалга ошириш тўғрисида”

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти тизимида ёшларга оид сиёсатни амалга ошириш ҳамда ёшларни соҳа учун хар томонлама етук мутахассислар бўлиб етишишларида барча имконият ва шароитларни яратиш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан 2018 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури маълумот ҳамда ижро учун қабул қилинсин.

2. Жамият томонидан тасдиқланган Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури ижроси ҳамда мониторингини олиб бориш бўйича Ишчи-гуруҳ таркиби 1-иловага асосан тасдиқлансин.

3. “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти томонидан 2018 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури 2-иловага асосан тасдиқлансин.

4. Дастурда белгиланган чора-тадбирларини ўрнатилган тартибда молиялаштириш жамият Иқтисодий таҳлил ва корпоратив муносабатлар бошқармаси (Ҳакимов) ҳамда Ғазначилик ва молия бошқармаси (Кучимов) зиммасига юклатилсин.

5. Назорат бўлими (Норкулов) мазкур буйруқни ҳамда унда келтирилган иловаларни жамиятнинг барча корхона ва ташкилотларга етказилиши таъминлансин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш бошқарув раисининг йўналишлар бўйича ўринбосарлари, Бирлашган касаба уюшма қўмитаси (Бобохонов) ҳамда Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиси (Ачилов) зиммасига юклатилсин.

Бошқарув раиси

А.С. Мустафаев